



«3 март 2014 йил № 60-и

Кўшработ тумани

“Qishloq Qurilish Invest” инжинеринг Компанияси  
Самарканд филиалига 2015 йилда “Оснё тараккиёт”  
банки кредити маблаги хисобидан наъмунавий  
лойихалар асосида якка тартибда уй-жой курни учун  
ер майдони танлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПК-1167-сонли ва  
2010 йил 17 июндаги ПК-1354-сонли карори асосида қабул килинган Самарканд вилояти  
хокимининг 2010 йил 22 июндаги 89-Қ-сонли карори ижросини тъминлаш максадида хамда  
туман хокимлиги хузуридаги “Ер участкаларини берни (реализация килиш) масалаларини  
кўриб чиқувчи туман комиссияси”нинг ушбу масала юзасидан тақдим этган тўпламини кўриб  
чикиб, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги конуннинг  
6-25-моддаларига асосан

**КАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация килиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2014 йил 28 феврал “Qishloq Qurilish  
Invest” инжинеринг Компанияси Самарканд филиалига 2015 йилда “Оснё тараккиёт” банки  
кредити хисобидан “Наъмунавий лойихалар асосида якка тартибда уй-жой курни учун ер  
майдони танлаш тўғрисида”ги баённомаси тасдиқлансин (баённома илова килинади).

2.Пичот кипплок фукаролар йигини Булокбоши маҳалласи худудидан Ердан  
фойдаланиш харитасининг 1008-контуридаги туман хокимлиги захира ер фонди хисобидаги  
лалмикор ер майдонидан 2015 йилда бош режа ва наъмунавий лойиха асосида 5 та уй-жой  
курилиш учун 0,60 (нол бутун олтмиш) гектар ер майдони танлансин.

3.Туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими бошлиги Ф.Кўчкоровга туман ер  
хисоботига тегишли тартибда ўзгариш киритиш вазифасин топширилсин.

4.Туман бош архитектори М.Райимовга наъмунавий лойихалар асосида якка тартибда  
курилиши режалаштирилаётган уй-жойларни Бош режа асосида курилишни амалга ошириш  
бўйича катъй назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5.Мазкур карорнинг бажарилишни назорат килиш туман хокимининг биринчи  
ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

О.Алиходжаев